



Farmatsiya



1

2024

СТОМАТОЛОГИК ГЕЛЬ ТАРКИБИДАГИ ВИТАМИН К₁НИ МИҚДОРНИ АНИҚЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ЮССХ УСУЛИНИ ВАЛИДАЦИЯСИ

Гулямова Д.Р., Юнусходжаева Н.А., Мухитдинова К.Ш., Юнусхожиев Д.Э.

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси

e-mail: durdona.rustamovna@mail.ru

Стоматологик гель таркибидаги витамин К₁ миқдорини аниқлашнинг усули келтирилган. Иш-лаб чиқилган услуб валидацияланган ва лаборатория шароитида аттестациядан ўтказилган.

Калит сўзлар: икки уйли газанда, аччиқ торон, қуш торон, валидация, гель, юқори самарали суюқлик хроматографияси, витамин К₁.

VALIDATION OF HIGH PERFORMANCE LIQUID CHROMATOGRAPHY METHOD FOR QUANTITATIVE DETERMINATION OF VITAMIN K₁ IN DENTAL GEL

Gulyamova D.R., Yunuskhodjayeva N.A., Mukhitdinova K.Sh., Yunuskhodjiyev D.E.

Tashkent Pharmaceutical Institute, Tashkent, Republic of Uzbekistan

e-mail: durdona.rustamovna@mail.ru

The article presents a developed method for the quantitative determination of vitamin K₁ in dental gel. The developed methodology has been validated and certified in laboratory conditions.

Key words: stinging nettle, pepper knotweed, avian knotweed, validation, gel, high-performance liquid chromatography, vitamin K₁.

УДК 615.015

ТИКАНЛИ АРТИШОК АСОСИДА ОЛИНГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ

Олимов Х.К., Миррахимова Т.А.

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

e-mail: zazulfiya@gmail.com

Тиббиётда жигар ва ўт йўллари касалликларини даволашда тиканли артишок (Cynara scolymus) асосида кенг қўлланиладиган препаратлар тўғрисидаги маълумотлар йиғилиб таҳлил қилинди. Фармацевтика бозорида ушбу доривор ўсимлик асосида ишлаб чиқилган дори воситаларига талаб юқори эканлиги маълум бўлди. Изланишлар натижаси тиканли артишок асосида дори воситаларни, турли ҳилдаги дори шакллари ни маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқариш долзарблигини кўрсатди.

Калит сўзлар: тиканли артишок, оксидолчин кислоталари, жигар хасталиклари, стандарт-лаш.

Долзарблиги. Маълумки, ҳозирги кунда экологик шароитни ёмонлашуви, нотўғри овқатланиш, стресслар организмни умумий ҳолатини ёмонлаштиради, иммунитет пасаяди, бунинг натижасида кўплаб касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, бугунги кунда, ер юзи аҳолисининг 1/3 қисми жигар ва ўт йўллари хасталиклари билан касалланган. Ҳозирда доривор ўсимликлар хомашёси асосида жигар ва ўт йўллари хасталиклари ни даволашда қўлланиладиган юқори самарали

дори воситаларини ишлаб чиқиш учун янги биологик фаол бирикмалар манбаини аниқлаш, уларни сифатини назорат қилиш ва стандартлаш борасидаги илмий изланишларга катта эътибор берилмоқда. Юқорида санаб ўтилган касалликларни даволашда тиббиёт амалиётида тиканли артишок препаратларидан кенг фойдаланиб келинмоқда. Ушбу доривор ўсимлик асосида олинган препаратлар жигарнинг антитоксик фаолиятини рағбатлантиради ва гепатопротектив ҳамда гипополидемик биологик фаолликни намоён этади (1,2).

Жигар хасталиklarини олдини олишда ва даволашда тиканли артишок асосида ишлаб чиқилган кўплаб препаратлар тиббиёт амалиётида кенг қўлланилади. Ушбу ўсимликнинг янги йиғилган баргларида тайёрланган дори дармонларнинг фармакологик фаоллиги уларнинг таркибидаги оксидолчин кислоталари йиғиндиси, флавоноидлар, флаволигнинлар ва бошқа гуруҳ биологик фаол бирикмалар ҳисобига амалга ошади. Тиканли артишок препаратларнинг гепатопротектив хусусияти ушбу ўсимликнинг антиоксидант ва хужайралар мембраналарини барқарорлаштирувчи таъсири билан изоҳланади.

Тиканли артишок биологик фаол бирикмаларидан цинарин муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у бошқа фенолкислоталари, жумладан қахва, неохлороген, хлороген, криптохлороген кислоталари билан биргаликда гепатопротектив ва сафро ҳайдовчи биологик фаолликни намоён қилиб, организмдан нитробирикмалар, алкалоидлар, мочевино, оғир металл тузлари, алкоголь билан захарланиш натижасида ҳосил бўлган токсинларни чиқиб кетишини тезлаштиради. Унинг мазкур хусусиятларидан жигар хасталиklarини олдини олишда кенг қўлланилади. Мазкур ўсимликнинг юқоридаги хусусиятларидан ташқари тиканли артишок асосидаги препаратлар қондаги холестерин миқдорини пасайтирувчи, ел ҳайдовчи, сийдик ҳайдовчи, овқат ҳазм бўлишини яхшиловчи, организмнинг умумий тонусини оширувчи, хужайралар муддатидан олдин қаришини олдини олувчи восита сифатида кенг қўлланилади (1,2,3).

Бундан ташқари, ушбу препаратлар организмдаги липид алмашинувида ижобий таъсир кўрсатади бунинг натижасида қондаги холестерин миқдори камаёди. Ушбу препаратлар сийдик ҳайдовчи хусусият намоён этиб, қондаги мочевино миқдорини камайтиради. Тиканли артишок

экстрактлари таркибидаги витамин С, каротиноидлар ҳамда бошқа гуруҳ витаминлар, жумладан В гуруҳи витаминлари, никотин кислотаси ва витамин Е лар, углеводлардан инулин организмдаги моддалар алмашинуви жараёнларида фаол иштирок этиб, организмда ортикча ёғлар йиғилишини олдини олади, бу эса ўз навбатида ортикча вазн ошишини олдини олишда ижобий таъсир кўрсатади. Тиканли артишок асосида олинган баъзи препаратларнинг фетоплацентар фаолиятини яхшиловчи хусусиятлари ҳам аниқланган бўлиб, улардан гинекология амалиётида фойдаланиш имкониятини беради.

Ишнинг мақсади. Тиканли артишок асосида олинган препаратларнинг замонавий ҳолати ҳақида маълумотларни таҳлил қилиш.

Тадқиқот объекти ва усуллари. Тадқиқотларимиз объекти сифатида тиканли артишок асосида олинган ва тиббиёт амалиётида кенг қўлланиладиган препаратлар танлаб олинган. Тадқиқотларни олиб бориш учун чет давлат илмий адабиётларидан тўпланган маълумотларни таҳлили олиб борилган.

Тиканли артишок ўсимлиги кўп асрлар давомида турли хил касалликларини даволашда халқ табobatiда ишлатиб келинган. Ҳозирги кунга келиб, ушбу ўсимликга қизиқиш дунёнинг кўпгина мамлакатларининг олимлари томонидан ортиб бормокда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида тиканли артишок асосида олинган маҳаллий дори воситалари мавжуд эмас, уларнинг барчаси чет эллардан валюта ҳисобига олиб кирилади. Биз томонимиздан кўплаб илмий адабиётлар таҳлили ўтказилди ва йиғилган маълумотларимиз асосида тиканли артишок асосида олинган препаратлар таҳлилин олиб бордик. Тиббиётда кенг қўлланиладиган тиканли артишок препаратлари қуйидаги жадвалда ўз аксини топган (1-жадвал).

1-жадвал

Тиканли артишок асосида олинган препаратлар

№	Препаратнинг савдо номи	Ишлаб чиқариладиган дори шакли	Препаратнинг таркиби	Ишлаб чиқарувчи корхоналар
1	Артихол	400 мг ли таблеткалар	Тиканли артишок курук экстракти 400 мг, экстрагент 70% этанол, тўлдирувчилар магний оксиди, кремний диоксиди, тальк, магний стеарат, жўхори крахмали керакли миқдорда	«Киевский витаминный завод», Украина

№	Препаратнинг савдо номи	Ишлаб чиқариладиган дори шакли	Препаратнинг таркиби	Ишлаб чиқарувчи корхоналар
2	Артишока экстракт	590 мг ли таблеткалар	Таркибида 500 мг тиканли артишок баргларининг куруқ экстрактини сақлайди, тўлдирувчилар магний стеарат, кремний диоксиди, тальк	«Эвалар», Россия
3	Холесенол-Артишок	0,41 г капсулалар	Таркибида 200 мг тиканли артишок куруқ экстрактини сақлайди	«ГНЦ ПМ Фарма ЗАО», Россия
4	Солгар – экстракт из листьев артишока	505 мг ли капсулалар	Таркибида 300 мг тиканли артишок баргларининг куруқ экстрактини сақлайди, тўлдирувчилар микрокристаллик целлюлоза (МКЦ), кремний диоксиди, магний стеарат керакли микдорда	«Солгар витамин энд херб», АҚШ
5	Артишок препиум Вита лайф	300 мг ли капсулалар	Таркибида тиканли артишок куруқ экстрактини сақлайди (хлороген кислотаси 5% дан кам бўлмаслиги лозим)	МЧЖ «Виталайф», Россия
6	Артишок	200 мг ли капсулалар	200 мг тиканли артишок барглари кукунини сақлайди	«Лаб Ален Бишер», Франция
7	Комплекс экстрактов артишока, ростаропши и одуванчика	300 мг ли капсулалар	Таркибида тиканли артишок куруқ экстрактини сақлайди (хлороген кислотаси экстракт таркибида 30 мг дан кам бўлмаслиги лозим)	«Внешторг Фарма», Россия
8	Артишок экстракт здоровье	300 мг ли капсулалар	Таркибида 300 мг тиканли артишок куруқ экстракти ва керакли микдорда тўлдирувчилар сақлайди	«ФК Здоровье», Украина
9	Холивер	100 мг ли таблеткалар	Препарат таркибида 25 мг тиканли артишок куруқ экстракти, 50 мг узун куркума экстракти ва 25 мг тиббий сафроси сақлайди	«Хау Зиянг», Вьетнам
10	Хофитол	200 мг ли таблеткалар	200 мг тиканли артишок куруқ экстракти (экстрагент сув)	«Лаборатория Роза Фитофарма», Франция
		120 мл ли ичга қабул қилиш учун эритма	1 мл эритма таркибида 200 мг тиканли артишок куруқ экстракти сақлайди, консервант 20% этанол ва керакли микдорда тозаланган сув сақлайди	
10	Хофитол	Инъекция учун 1 мл ва 5 мл дан ампулалар	1 мл эритма таркибида 20 мг барра тиканли артишок баргларида тайёрланган ва тозаланган экстракти ҳамда керакли микдорда инъекция учун сув сақлайди	«Лаборатория Роза Фитофарма», Франция
11	Цинарикс	400 мг ли таблеткалар	Таркибида 55 мг тиканли артишок куруқ экстракти, 45 мг ёрдамчи моддалар (целлюлоза, магний стеарат, кремний диоксиди, коповидон) сақлайди	«Фармацойтише Фабрик Монтавит Гез м.б.х.», Австрия

Натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Тиканли артишок асосидаги препаратларнинг фармакологик фаоллиги тўғрисидаги маълумотлар тўпланди ҳамда улар изоҳланди. Ҳозирги кунда фармацевтика бозорида машҳур бўлган артишок препаратлари ҳақидаги маълумотлар йиғилди, таҳлил қилинди ва тизимлаштирилди. Тиканли артишок асосида олинган препаратларнинг фармакологик хусусиятлари ва тиббиётда қўлланиши тўғрисидаги маълумотлар йиғилди ва таҳлил қилинди.

Хулосалар. Тиканли артишок ҳамда улар асосида олинган препаратлар халқ табobatiда ҳам, илмий тиббиётда ҳам асосан, ўт ҳайдовчи,

гепатопротектор, диуретик, овқат ҳазм қилиш тизимини яхшиловчи, антиоксидант дори воситалари сифатида қўлланилиши аниқланди. Таҳлилларимиз натижасига кўра жаҳон фармацевтика бозорида ҳозирда тиканли артишок асосида олинган препаратларнинг 11 тури кенг тарқалган бўлиб, улар асосан Россия, Украина ва Франция давлатлари ҳиссасига тўғри келиши аниқланди. Ушбу доривор ўсимликни Республикамизда етиштирилишини ҳисобга олиб, унинг асосида маҳаллий дори дармонларни технологияси ҳамда стандартлаш усулларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш долзарбдир.

Адабиётлар:

1. Миррахимова Т.А., Олимов Н.К. Изучение ассортимента гепатопротекторных лекарственных средств, зарегистрированных в Республике Узбекистан //Фармацевтический вестник Узбекистана.-Ташкент, 2020.- №1.-С.26-28.
2. Миррахимова Т.А., Туляганов Р.Т., Исмоилова Г.М. Изучение острой токсичности и желчегонной активности жидкого экстракта на основе артишока колючего//Фармацевтический журнал.-Ташкент, 2020.-№1.-С.90-92.
3. Лунова И.Л. Фармакогностическое изучение артишока колючего (*Cynara scolymus* L.) интродуцированного на Кавказских Минеральных Водах: дис. канд. фарм. наук.- Пятигорск, 2009.-119 с.

СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ НА ОСНОВЕ АРТИШОКА КОЛЮЧЕГО

Олимов Х.К., Миррахимова Т.А.

Ташкентский фармацевтический институт, Ташкент, Узбекистан

e-mail: zazulfiya@gmail.com

*Собраны и исследованы данные о широко применяемых в медицине препаратах на основе артишока колючего (*Cynara scolymus*), при лечении заболеваний печени и желчевыводящих путей. Известно, что на фармацевтическом рынке существует высокий спрос на препараты, разработанные на основе данного лекарственного растения. Результаты исследований показали актуальность производства лекарственных средств в различных лекарственных формах на основе местного сырья артишока колючего.*

Ключевые слова: артишок колючий, оксикоричные кислоты, заболевания печени, стандартизация.

CURRENT STATE OF MEDICINES BASED ON ARTICHOKE PRICKLY

Olimov X.K., Mirrakhimova T.A.

The Tashkent Pharmaceutical Institute, Tashkent, Uzbekistan

e-mail: zazulfiya@gmail.com

*Data on drugs based on the prickly artichoke (*Cynara scolymus*), widely used in medicine, in the treatment of diseases of the liver and biliary tract were collected and studied. It became known that there is a high demand in the pharmaceutical market for drugs developed on the basis of this medicinal plant. The research results showed the relevance of the production of medicines in various dosage forms based on local prickly artichoke raw materials.*

Key words: prickly artichoke, hydroxycinnamic acids, liver diseases, standardization.

СОДЕРЖАНИЕ

Приветствие главного редактора	3
--------------------------------------	---

Фармацевтические науки

Нурсултанкызы М., Ордабаева С.К., Серикбаева А.Д., Родина Т.А. Состояние исследования загрязнения водных ресурсов остатками лекарственных веществ.	5
Гулямова Д.Р., Юнусходжаева Н.А., Мухитдинова К.Ш., Юнусхожиев Д.Э. Валидация ВЭЖХ методики количественного определения витамина К ₁ в стоматологическом геле.	14
Олимов Х.К., Миррахимова Т.А. Современное состояние лекарственных средств на основе артишока колючего.	19
Шомаксудова М.О., Тулаганов А.А., Ишимов У.Ж. Исследование макро и микроэлементов и биологически активных веществ в сухом экстракте, полученном из сырья растения <i>Crocus sativus L.</i> , культивируемого в Узбекистане.	23
Хасанова Б.Ж., Олимов Н.К., Абдуллаева М.У., Сидаметова З.Э., Хужимов А.Х. Изучение анатомо-морфологических признаков травы эрвы шеристой.	28
Абдувахобова Г., Раимова К.В., Юнусходжаева Н.А., Турсунов Х.О., Юнусхожиев Д.Э. Определение содержания полисахаридов в надземной части крапивы дудомной (<i>Urtica dioica L.</i>)	32
Умарова Ф.А., Ризаев К.С., Олимов Н.К., Сидаметова З.Э. Анализ макро- и микро-элементного состава сухого экстракта «Леофломис» седативного действия.	35
Юнусова Х.М., Суннатов Ш.Х., Ильхамова Н.Б. Изучение факторов, влияющих на процесс экстрагирования травы кипрея узколистного.	40
Хакимжанова Ш.О., Тиллаева Г.У. Технология и оптимизация процесса получения сухого экстракта вайды красильной.	43
Анарбаева Р.М., Сагиндыкова Б.А., Максудова Ф.Х., Асыллова Н.А., Нурбаева С.Е., Аширов М.З., Сейтова Ж.Д. Спецификация и стандартизация таблеток с экстрактом семян винограда, покрытых оболочкой.	50
Сафарова Д.Т., Максудова Ф.Х., Узокова Н.Р. Исследование структурно-механических и технологических показателей сухого экстракта «Гипоседаф».	58
Нуридуллаева К.Н., Кариева Ё.С., Ризаев К.С., Садуллаева Ж.Б. Изучение фармако-технологических показателей инулинсодержащей субстанции.	62
Матазимов М.Т., Сидаметова З.Э., Олимов Н.К. Качественные показатели седативного средства.	67
Умарова Ф. А. Установление стабильности и условий хранения капсул «Леофломис» седативного действия.	73
Нуридуллаева К.Н., Ризаев К.С., Кариева Ё.С. Разработка теста «растворение» для капсул «Инумак».	77
Зупарова З.А. Технология получения таблеток «Иммунация Био» на основе высушенного сока эхинацеи пурпурной.	80
Абдуллаева М.У., Халилова Н.Ш., Олимов Н.К., Рахимова Д.О. Химико-токсикологический анализ малых количеств неизвестного вещества методом ГХ/МС.	83